Ю. Ғ. МАҲМУДОВ

АДАБИЁТ:
3 3 4 4
САВОЛГА ЖАВОБ

IV ҚИСМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ю. Ғ. МАҲМУДОВ

АДАБИЁТ:
3 3 4 4
САВОЛГА ЖАВОБ

IV ҚИСМ

"FACTOR PRESS" нашриёти
ТОШКЕНТ – 2022

УЎК: 821.512.133.09
КБК: 83.3(5Ў)
М 37

Термиз давлат университети Кенгашининг 2021 йил 6 майдаги 10.4.5-сон мажлиси баённомасига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

Масъул мухаррир :
Т. Мирзаев

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори, филология фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:

А. Эшонқулов, филология фанлари доктори, профессор;
Д. Қулматов, филология фанлари доктори, профессор;
У. Жуманазаров филология фанлари доктори, профессор.

Ушбу ўқув қўлланмада жаҳон ва ўзбек ёзувчи-шоирлари ва уларнинг ҳикоя, очерк, қисса, повесть, роман, дилогия, трагедия, трилогия, тетралогия, поэма, эссе, эпопея, шеърий тўпламлари ва бошқа жанрдаги асарлари ҳақида қисқа, лўнда саволларга жавоблар келтирилган.

Мазкур ўқув қўлланмадан узлуксиз таълим тизимидаги барча муассасаларнинг ўқувчи - талабалари, магистрантлар, илмий изланувчилар, профессор - ўқитувчилар, шунингдек, абитуриентлар фойдаланишлари мумкин.

ISBN: 978-9943-7668-4-6

© Ю. Ғ. МАҲМУДОВ
© "Factor press" нашриёти

СЎЗБОШИ

Китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди.
Ш. М. Мирзиёев

Бугунги кунда дунё аҳолисининг икки миллиардан кўпроғини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, уларнинг цивилизация ютуқларидаги иштироки накадар салмоқли бўлишини тасаввур қилиш қийин бўлмайди, албатта. Бунда ёшларнинг романтизми, комиллик даражалари ва келажакка интилувчанлиги катта роль ўйнайди. Улар узлуксиз таълим жараёнининг фаол иштирокчиси бўлиш билан бир вақтда давлат ва жамиятнинг элементар аъзолари ҳамдир. Жамиятнинг барча муаммоларини оқил ва доно, укувли ва билимли, ишбилармон ва тадбиркор кадрлар ижобий ҳал этадилар. Агар таъбир жоиз бўлса, кадрлар - кишилик жамиятнинг ҳаракатлантирувчи локомотивлари. Инсоният олдида турган уч глобал муаммо – озиқ-овқат, энергия таъминоти ва соғлиқни сақлашдек масалаларнинг ижобий ечим топиши ҳам пировард натижада, инсон омилига, энг аввало, ёшларнинг ижтимоий фаоллигига бориб тақалади. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги эса уларнинг билимга, билим манбаи бўлмиш китобга ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабати билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз нутклари ва чикишларида халқнинг кудратли куч экалигини, айниқса, унинг энг шижоатли ҳамда романтизмга бой катлами бўлмиш ёшларга қайта-қайта мурожаат этишлари бежизга эмас, албатта. Бу борада жамиятимизнинг узлуксиз таълим тизими ва таълим муассасалари зиммасига катта вазифалар ва-

DENOV TADBIRKORLIK VA PEDAGOGIKA INSTITUTI ARM
№ 30651

зифа юкланадики, жамиятнинг келажаги бугун тайёрланаётган кадрлар сифати билан белгиланади. Ушбу кўрсаткич оркали ёш кадрлар гвардиясининг шаклланиши таъминланади. Лекин бунда хал килувчи ролни жонли ва жонсиз табиат хамда уларнинг гултожи хисобланмиш инсон ўйнайди, албатта.

Ўзбекистон Республикасида демократик шароитлар шаклланаётган даврда миллий гоя, миллий мафкура, инсонларнинг одоби, хулки, замон талабига жавоб бера оладиган маънавий-маданий, ижтимоий тарбияси - инсон камолотининг асосий мезони.

Одамзод бошка барча тирик организмлар сингари ўсиш, ривожланиш ва кўпайишдек мухим хусусиятларга эга. Инсоннинг бошка турдаги организмлардан фарк килувчи жихати эса унинг иккинчи сигнал системаси ва психик фаолиятга эгалиги. Одамзод жонли материя вакиллари орасидаги ягона онгли мавжудот. Унга бошкалардан фаркли ўларок, буюк мулокот воситаси бўлмиш тил (оғзаки ва ёзма нутк) ато этилган. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов "Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир", дея юкори бахолаган Алишер Навоий сўз хусусида бебахо ва бетакрор мисраларни битиб кетган эди:

"Сўздурки, нишон берур ўликка жондин,
Сўздурки, берур хабар жонга жонондин.
Инсонни сўз айлади жудо хайвондин,
Билгилки, гухари шарифрок йўк ондин".

Одамзоднинг ирсий жамланмаси ўзгармас бойлик хисобланса, унинг хаёти давомида орттирадиган барча ахлокий, маърифий, маданий, маънавий, илмий, методик, касбий ва бошка жамгармаси бутун умри давомида шакллана боради.

Ёш авлодни, келажагимиз хисобланмиш толиби илмларни хар томонлама баркамол тарзда тарбиялаш хар биримизнинг мукаддас бурчимиз. Уларни маънавий ва маърифий жихатдан етук, миллий кадриятларимизни окилона идрок этадиган, тафаккури кенг инсонлар этиб камолга етказиш, гурурли ва ор-номусли, фикрлари ва гояларини мустакил равишда аник ифода эта оладиган шахслар сифатида ривожлантириш долзарб ижтимоий вазифа. Ушбу максадларнинг ижобий натижага эга бўлиши, энг аввало, ёш авлодга илмий билимлар асосларини пухта ва мукаммал ўргатиш, хар бир соха йўналишларини самарали таълим-тарбия асосида ташкил этиш билан боғлик.

Ўзбекистон Республикасининг ягона ва узлуксиз таълим тизимининг концептуал асосини узвийлик, узлуксизлик ва яхлитлик ташкил этишини тан олганимиз холда уни сифатли ва илмий хамда методик жихатдан мукаммал ўкув адабиётлари билан таъминлаш, дарслик яратиш ишига жиддий эътибор бериб, бундай масъулиятли ишга тажрибали ва билимдон муаллифларни жалб этиш кераклигини хам унутмаслик керак. Ўкув-тарбия сохасидаги улкан ютукларнинг таъмал тошини саводхон кадрлар ва тўлаконли дарсликлар ташкил этиши эса кундай равшан. Ўкув адабиётларининг янги авлодини яратиш билан бир каторда илмий, илмий-назарий, илмий-методик, энциклопедик манбаларнинг ёзилиши хам ўта мухим ва савобли ишлардан хисобланади. Шу аснода муаллифнинг мазкур асарини ўз даврида ва айни зарур пайтда ёзилган асар деб хисоблаймиз. Бу асар халкимизнинг, биринчи галда ўсиб келаётган ёш авлоднинг филологик саводхонлик даражасини оширишга хизмат килишига хеч шубха йўк. Гап китобдаги маълумотларни синчиклаб

ўкиб ва укиб олишда колади, холос.

Китобда акс этган маълумотлар тил ва адабиёт оламининг накадар чексиз эканлигини яна бир бора ва ишончли тарзда исботлайди. "Ўзбекистон" ёки "Чавандоз" сўзлари билан боғлик асарлар кўплигининг ўзи китобхонларни хайратлантириши табиийдир. Айрим "зот"ларнинг тилга ихтиёрсизлиги уларнинг эл-юрт, халк ва Ватанга эътиборсизлигини рўй-рост намойиш этиб кўяди. Айникса, катта ва кенг аудиторияга эга бўлган радио ва телевидение корчалонларининг омма олдида ўз шевасида тап тортмасдан "сайрашлари" тилга бефарк карамайдиган хар кандай инсоннинг ғашини келтиради, албатта. Бу борада халкнинг оддий вакилларини кечириш мумкиндир-у, аммо теле- ва радиожурналистларнинг чўғзсимон чулдирашларига чидаб бўладими? Имло саводхонлиги хакида оғиз кўпиртиришдан олдин, лоакал "х" бинутқида рисоладаги сўзларидан кўпрок "халиги", лан "ҳ" нинг фаркига борадиган бўлишсин... Оғзаки "нимайди?", "анака", "асосан", "демак", "нима дейди?", "хўш", "дейлик", "менимча", "деб ўйлайман", "хато килмаган бўламан" каби бегона, ёкимсиз, текинхўр "кўшимчалари" кўпрок кимсалар ўзларини ўта ноёб кобилиятли нотик, воиз, сўзамол, топкир деб хисоблашса керак, эхтимол... Шунда руслар-нинг "Слово-серебро, а молчание-золото" калимаси накадар топиб айтилган эканда, деб ўйлаб коласан, киши... Донишманд халкимиз бежизга "Ўйнаб гапир-санг хам ўйлаб гапир" демаган-да, ахир! Сўз бойлиги ва луғат захираси саёз одамларни тилимизнинг бойлигига "хиёнат килувчилар" деб хисоблаш лозим. Айникса, устоз ва мураббийлар, сервис хизматлари сохасидагилар, шифокорлар, афгори омма билан мулокот килувчилар оғзаки нутқнинг софлиги ва мукаммаллигига алохида эътибор беришлари талаб

қилинади. Барча йирик юмушларнинг майда-чуйда ва кичик ўлчамлардан бошланишини зинҳор унутмайлик! Китобга ошно қалбларнинг харорати ёкимли, луғат захиралари бой, оғзаки ва ёзма нутқлари эса мукаммал бўлади.

Омонов Ҳожикул Товбоевич,
педагогика фанлари доктори, профессор

КИРИШ

Китобни ҳар гал мутолаа қилган сайин бирор-бир нарсани кашф қиласан.

Абу Райҳон Беруний

Ушбу ўқув қўлланмада Шарқ адабиётларида озарбайжонлик ёзувчи Охундов Мирза Фатали (1812-1878 йй.)ни "Шарқ Мольери", "Озарбайжон генийси" деб аташганликлари; швециялик шоир Аксел Карлфельдт Эрик (1864-1931 йй.), Нобель мукофоти совриндори (1931 й.) 1904 йили Швеция Академиясига сайланган, 3 йилдан сўнг адабиёт соҳасида Нобель қўмитаси таркибига кирган, 1912 йилда шу қўмитанинг доимий котиби бўлган. Шу лавозимда турган пайтида унга бир неча бор Нобель мукофоти таклиф килинганда, эгаллаган мавкеи ва Швециядан ташкарида шоир сифатида яхши танилмагани сабабларини кўрсатиб рад этганлиги; ўзбек адиби Холмирзаев Шукур "Олобўжи" хикоясини "Романдан катта ҳикоя" деб атаганлиги; эски Термизда яшаб ижод килган ислом назариётчиси, мукаддас ал-Ҳаким ат-Термизийнинг "Илал аш-шариат ва хатм ал-Аслиёд" асари ислом назариётчилари томонидан энг кўп эсланадиган асарлардан бири эканлиги; ўзбек шоири Саид Нафасий (тахаллуси; исми Миробид, 1637 й. - Насаф - 1710 й.)нинг "Шаҳр ошуб" манзумасида 212 хил касб-хунар эгаси ҳақида фикр билдирган, хунар аҳлини улуғлаганлиги; ўзбек адабиёти тарихида муншаотнинг шаклланиши ва ривожланиши Алишер Навоий ижоди билан боғликлиги; ўзбек адабиётида чистоннинг дастлабки намуналарини Алишер Навоий яратганлиги; ўзбек адабиётида рубоийнинг

Бобурдан кейинги тараккиёти Бухоро хони (1533-1540 йй.), шоир Убайдуллахон, Убайдулла Султон, Убайдий (тўлик исм-шарифи Абулғозий Убайдуллох Баҳодирхон ибн Махмуд Султон ибн Шох Будоғ Султон ибн Абдулхайрхон) (1486 й., Хоразмнинг Вазир ш. яқинидаги Тирсак мавзеси - 1540 й., Бухоро) номи билан боғликлиги; ўзбек шоири Ҳофиз Хоразмий (тахаллуси; Абдурахим, XV асрнинг 2-ярми XV асрнинг 1-ярми тахм.)нинг бизгача етиб келган девони 18 минг мисрадан иборат бўлиб, бу девонга 1052 та ғазал, 9 та касида ва бир канча кичик жанрдаги шеърлари кирганлиги; америкалик ёзувчи Лондон Жек тахаллуси; асл исм-шарифи Жон Гриффит, 1876-1916 йй. 16 йиллик ижодида 19 та роман, 18 та тўплам, 52 та хикоя, 3 та пьеса, 8 та автобиографик ва публицистик асарлар муаллифи эканлиги; грузин ёзувчиси Важа Пшавела (тахаллуси; асл исм-шарифи Лука Павлович Розикашвили; 1861-1915 йй.) 40 га якин достон ёзганлиги; инглиз туркийшуноси Клосон Жерард шарқшунослик фаолияти учун Лондон-Осиё Кироллик жамиятининг (1973 й.) Олтин медали билан мукофотланганлиги; кореялик адиб Со Го Жон (1420-1488 йй.) 1487 йилда 130 китобдан иборат "Шарқ антологияси"ни тузганлиги; ўзбек шоири, тазкиранавис Нисорий (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳасанхожа Подшохон ўғли; 1516 й. - Бухоро - 1597 й.) "Малик уш-шуаро" унвонига мушарраф бўлганлиги; араб (Миср) шоири Шавқий Аҳмад (1868 - 1932 йй.) "Амир аш-шуаро" ("шоирлар амири") унвонини олганлиги; япон адиби Кавабата Ясунари (1899 - 1972 йй.), Нобель мукофоти совриндори (1968 й.) ўзини ўзи 1972 йили газ билан заҳарлаб дунёдан кўз юмганлиги; афғон шоири Абдулҳамид Монанд "Афғонлар Бедили" номи билан шухрат қозонганлиги; ўзбек драматурги, танқидчи, журналист, таржимон Ғози Юнус (тахаллуси; асл исм-шарифи Юнусов Ғози Муҳаммад); 1889-1942 йй.)

нинг 30 дан ортик тахаллуси бўлганлиги, колумбиялик ёзувчи, Нобель мукофоти совриндори (1982 й.) Маркес Габриэль Гарсиа (1928 йилда туғилган) оиладаги 16 нафар фарзанднинг энг тўнғичи бўлганлиги сабабли ота-онасининг тарбиясидан бенасиб колганлиги, она томонидан бувиси ва буваси кўлида тарбияланганлиги; инглиз ёзувчиси Уэллс Герберт Жорж (1866-1946 йй.) "Вакт машинаси" (1895 й.) романи билан XX аср илмий фантастикасига асос солганлиги; италиялик шоир, танкидчи, Нобель мукофоти совриндори (1975 й.) Монтале Эуженио (1896-1981 йй.) ўзининг ижодий усули хакида: "Мен поэзияни кидирмайман, поэзия менга келишини кутаман" - деганлиги; мисрлик ёзувчи, Нобель мукофоти совриндори (1988 й.) Нажиб Махфуз (1911 йилда туғилган) Швеция Академияси маълумотига кўра, 150 номзод орасида ғолиб деб танилганлиги; мисрлик ёзувчи, Нобель мукофоти совриндори (1988 й.) Нажиб Махфуз (1911 йилда туғилган) ижодига куйидагича бахо берилганлиги: "Унинг асарлари бевосита жами одамзодга мурожаат этгани билан ажралиб туради. Ёзувчи араб романини дунё маданияти даражасига кўтаришга муваффак бўлади". Ёзувчининг ўзи айтишича, "Юксак мукофот"га араб тили сазовор бўлди, - деганлиги; мисрлик ёзувчи, Нобель мукофоти совриндори (1988 й.) Нажиб Махфузнинг "Хон ал - Халили" (1946 й.), "Мидак тор кўчаси" (1947 й.), "Аввали ва нихояси" (1949 й.) трилогиясини Ғарбда Нобель мукофоти совриндорлари Голсуроснинг "форсайтлар хакида сага", Томас Манн каламига мансуб "Будденброклар", "Бир оила инкирози" каби асарлари билан тенглаштирилганлиги; драматург, адабиёт соҳаси бўйича Нобель мукофоти совриндори (1904 й.) Хосе Эчерагай – и – Эйсагирре (1832 - 1916 йй.) ўз даврининг машхур математик олими бўлганлиги; немис - француз мутафаккири, хаёт фалсафаси намояндаси, шифокор,

илохиётчи, мусикашунос, органчи, Швейцар Альберт (1875-1965 йй.)нинг акидаси: "Мен хаётман, хаётлар ичида яшашни истагувчи хаётман" шиорида ўз ифодасини топганлиги [Швейцар Альберт Страсбург, Берлин, Париж университетларини тугатган, 1899 йилдан фалсафа, 1900 йилдан илохиёт, 1913 йилдан тиббиёт доктори]. XX аср бошларида концерт бериб юрадиган органчи сифатида шухрат козонган. 1913 йилдан рафикаси - хамшира Элен Бреслау билан бирга ўз маблағи хисобига Габоннинг Ламбарене кишлоғида шифохона очиб, умрининг охиригача махаллий ахолини даволаш билан шуғулланганлиги; франциялик адиб, Нобель мукофоти совриндори (1915 й.) Роллан Ромен (1866-1944 йй.)ни замондошлари унинг асарларидан кўра, ўзини кўпрок хурмат килишганликлари; Буюк Британия прозаиги, шоир Киплинг Жозеф Рядьярд (1865-1936 йй.) вафот этганида таникли адиблардан хеч ким унинг дафн маросимига келмаганлиги, чунки у Нобель мукофоти совриндори (1907 й.) бўлганидан кейин арзулик асар ёзмаганлиги, бундан ташкари, Англиянинг мустамлакачилик сиёсатини ёклаб шундай инкирозга учраганлиги; рус ёзувчиси Бунин Иван Алексеевич (1873-1953 йй.) биринчи бўлиб Нобель мукофоти совриндори (1933 й.) бўлганлиги; рус шоири Вознесенский Андрей Андреевич (1933 йилда туғилган) Алишер Навоий хакида "Алишер Навоий - улуғ шоир... Навоийнинг минг йилларга татирли ахамияти бор ...", деб унга юксак бахо берганлиги; турк шоири Мехмет Эмин (тахаллуси; Юрдакул; 1869-1944 йй.) "Турон пайғамбари" деган лакаб олганлиги; турк ёзувчиси, йирик новеллист Урхон Камол (тахаллуси; асл исм-шарифи Мехмет Рашид Угутчи; 1914-1970 йй.) тикувчи, ҳаммол, наввой бўлиб ишлаганлиги; шоир, таржимон Байрамхон Абдураҳим (1556-1622 йй., Дехли) Акбар ҳукмронлиги даврида "хонлар хони" унвонига сазо-

вор бўлганлиги, шунингдек, Ҳиндистон давлати раҳбари Ж. Нерунинг Байрамхон Абдурахимга юксак баҳо берганлиги; форс шоири Бобо Фиғоний Шерозий (?, Шероз - 1915 й., Машҳад)га "Шоирлар бобоси" деган фахрий унвон берилганлиги; форс-тожик шоири, адабиётшунос, бастакор Хусрав Дехлавий (таҳаллуси; тўла исм-шарифи Яминиддин Абдулҳасан 1253-1325 йй.) шоҳона номидан воз кечиб, фақирона Муҳаммад Косалес номини олганлиги; Қадимги Юнон драматурги Эсхил (милоддан авв. 325-456 йй.) "Трагедиянинг отаси" дейилганлиги ва унинг 80 та драмасидан 7 таси бизгача етиб келганлиги; ўзбек адиби Абдулла Қодирий А. П. Чеховнинг "Хамелеон" ҳикоясини таҳлил қилиб, унда ишлатилган диалогга "Бу диалоглар ҳам вокеани силжитади, ҳам ҳикоя қаҳрамони Огумеловни характерлайди", деган баҳо берганлиги; ўзбек шоираси Нодира яхши ишлаган қатибларига тилла қалам, кумуш қаламдон бериб, уларни "Заррин қалам"лик мансабига кўтарганлиги; ўзбек шоири Бедриддин Чочий (тахаллуслари: Чочий, Бадр, Шоший; 1285 й., Тошкент - 1344 й., Дехли) "Малик уш-шуаро" ("шоирлар шоҳи"), "Фахр уз-замон" ("Замон фахри") унвонларига мушарраф бўлганлиги; ўзбек шоири ва мутафаккир Лутфий (1366-1465 йй.), Мавлоно Лутфий ўз замонасининг "Маликул каломи" бўлганлиги; ўзбек шоири Муҳаммад Солиҳ (1455 й., Хоразм - 1535 й., Бухоро) "Амир ул-уламо", "Малик уш-шуаро" унвонларига сазовор бўлганлиги; ўзбек шоири, хаттот ва ҳофиз Риёзий Имомуддин (? - Самарқанд - 1479 й.) Қуръонни етти қироат билан ўқий оладиган ҳофиз бўлганлиги; таржимон, журналист Санжар Сиддиқ (тахаллуси; асл исм-шарифи Сиддиқов Босит 1900 й. - Тошкент - 1938 й.) "Биров", "Бир киши", "Газетачи", "Калтадум", "Китобхон", "Кўзкулоқ", "С.С.", "Сиддиқов", "тошкентлик" тахаллуслари билан асарлар ёзганлиги; шоир, адабиётшунос олим Ватвот, Рашидиддин, Рашид (тахаллуслари; (Ватвот - кўршапалак, учар сичқон, адибнинг жуссаси кичиклигига ишора); асл исм-шарифи Муҳаммад бин Абдулжамол ал-Умарий; 1087 й., Балх - 1177 й. ёки 1183 й., Хоразм) "Мамлакат бахти" фахрий унвонига сазовор бўлганлиги; адиб Бедил (тахаллуси; асл исм-шарифи Мирзо Абдуқодир (1644-1721 йй.) асарлари хилма-хил фикрларга бой бўлганлиги учун ўзбек диёрида унга "Абдулмаъоний" - "Маънолар отаси" деган фахрли лақаб берилганлиги; озарбайжонлик шоир Ахсикатий Абу Рашид Аҳмад ибн Муҳаммад (1073-1134 йй.) "Фазилатлар соҳиби" лақаби билан ижод қилганлиги ёки унинг "Фозиллар султони" лақаби билан машҳур бўлиб, Озарбайжондаги отабеклар саройида ижод қилганлиги; фин ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1939 й.) Силланпя Франс Эмиль (тахаллуси - Э. Сюваяри, Сарви) (1888 -1964 йй.)га 1920 йилдан Финляндия ҳукумати унга умрбод стипендия таъсис этганлиги; француз ёзувчиси Верн Жюль (1826-1905 йй.) Бухорони "Туркистон Рими" деб таърифлаганлиги; француз ёзувчиси, илмий-фантастик роман жанри асосчиларидан бири Верн Жюлнинг номи билан Ойнинг орқа томонидаги кратер аталганлиги; француз файласуфи, ёзувчи, маърифатпарвар Дидро Дени (1713-1784 йй.) ночорларнинг болаларига давлат томонидан моддий ёрдам кўрсатилиши зарур, деб ҳисоблагани ҳолда, аниқ ва табиий фанлар муҳимлигини уқтиргани ҳолда, яхши дарсликлар тузиш, бу ишга йирик олимларни жалб қилиш ҳақида ёзганлиги, шунингдек, ўрта мактабларда йилига 4 марта очиқ имтиҳонлар ўтказиш лозимлигини, ўқитувчиликкка танлов эълон қилиш мақсадга мувофиқ деб билганлиги; шоир Гулиа Дмитрий Иосифович (1874-1960 йй.) абхаз адабиётида биринчи бўлиб, новелла, роман, драма ёзганлиги; немис шоираси ва драматург Закс Нелли (1891-1970 йй.) яҳудий

халқининг тақдирини тадқиқ этган машҳур лирик ва драматик асарлари учун 1966 йилда исроиллик прозаиг Шмуэл Агнон билан биргаликда Нобель мукофотига сазовор бўлганлиги; инглиз шоири Шелли Перси Бишни Ф. Энгельс "гениал пайғамбар" деб атаганлиги; хаттот, шоир, хат назоратчиси, Султонали Машҳадий (1437-1520 йй.) "Султон ул-хаттотин" ("Хаттотлар султони") ва Қиблат ул-хутоб ("Китоблар қибласи") номли юксак унвонлар соҳиблиги; ҳинд ва урду адабиётининг йирик намоёндаси, шоир Мир Тоҳий Мир Муҳаммад (1724-1810 йй.) "Ғазал шоҳи" номи билан шуҳрат қозониб, Дехли ва Лакнавда бобурийлар хизматида бўлганлиги; ўзбек хаттоти, настаълик хатининг йирик устаси Мир Қуланкий Бухорий (XVI аср, Хирот) манбаларда Мир Али Ҳайдарнинг 7 нафар машҳур шогирдларидан бири деб зикр қилинганлиги; ҳиндистонлик адиб Мунн Лавл Бобур ва унинг авлодлари ҳақида 6 та роман ёзганлиги; чилилик шоир, Нобель мукофоти совриндори (1971 й.) Неруда Пабло (тахаллуси; асл исм-шарифи Нефтали Рекардо Рейс Балусальто; 1904-1973 йй.) Лотин Америкаси виждони деб аталганлиги; шунингдек, у ҳақида инглиз таржимони, танқидчи Алартэр Рид шундай ёзади: "Шундай таассурот ҳосил бўлдики, у - битта шоир эмас, бу - шоирлар цехи. У янгича усул қидиришдан кўра, кўпроқ эскисидан воз кечади, у кўп овозли шоирлар деганлиги; ҳинд шоираси, адиба Притан Амрита (1919 йилда туғилган) 60 дан ортиқ асар, 200 дан зиёд ҳикоя ва очерк муаллифлиги" баён қилинган.

Шарқнинг "Вольтери" деб Ҳофиз, Хожа Махфуз Шерозий (тахаллуслари, асл исм-шарифи Шамсуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад; 1326 - Шероз - 1389 йй.) ни улуғлаганлиги; ўз табиатига кўра, одамови бўлган ирландиялик драматург, ёзувчи ва шоир Беккет Сэмюэль (1906 -1989 йй.) мукофот топшириш маросимида

иштирок этмаслик шарти билан Нобель мукофоти (1969 й.)ни олишга рози бўлган ва рекламага оварагарчиликдан қочиб, Тунисга бекиниб (яшириниб) ўтирганлиги; ҳинд олимларидан Рам Бабу Саксина ва Ш. Чауханларнинг ёзишича, шоир Хусрав Дехлавий (тахаллуси; тўла номи Яминиддин Абдулҳасан; 1253-1325 йй.) урду тилида ижод қилган биринчи шоир эканлиги баён этилган.

Шоҳ асарларнинг буюк қиммати шундан иборатки, улар одамни бамаъни суҳбатга, жиддий ва самимий чатга, мулоҳазага руҳлантиради.

А. Франс

1. "Шабада ва япроклар" асари қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Бобоев Мамарасул (1911-1969 йй.) қаламига мансуб.**

2. "Шабада ва япроклар" асари нечанчи йилда ёзилган? **1971 йилда ёзилган.**

3. "Шабнам" романи муаллифи қайси Покистон ёзувчиси? **Азиз Ахмад.**

4. "Шабнам" романи нечанчи йилда ёзилган? **1955 йилда ёзилган.**

5. "Шабнам" (1970 й.) илк китоби қайси Ўзбекистон халқ шоираси (1992 й.) қаламига мансуб? **Ҳожиева Ойдин (1942 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

6. "Шабнам" асари қайси ҳинд ёзувчиси қаламига мансуб? **Гурбахш Сингих (1895-1977 йй.) қаламига мансуб.**

7. "Шабнам жилваси" (1983 й.) биринчи шеърий тўплами қайси ўзбек шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1999 й.) қаламига мансуб? **Ғулом Шомурод (1937 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

8. "Шабнам жилваси" биринчи шеърий тўплами нечанчи йилда ёзилган? **1983 йилда ёзилган.**

9. "Шабнам тераётган қуёш" (2011 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек шоири қаламига мансуб? **Амирқул Карим (1960 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

10. "Шавқатсиз шаҳар" романи муаллифи қайси Камерун адиби? **Монго Бети.**

11. "Шавқнома" манзумаси қайси Бухоро хони (1533-1540 йй.), шоир қаламига мансуб? **Убайдуллахон, Убайдулла Султон, Убайдий (тўлиқ исми: Абулғозий Убайдуллоҳ Баҳодирхон ибн Маҳмуд Султон ибн Шоҳ Будоғ Султон ибн Абдулхайрхон) (1486 й. Хоразмнинг Вазир ш. яқинидаги Тирсак мавзеси - 1540 й., Бухоро) қаламига мансуб.**

12. "Шагрень тери" (1831 й) романи қайси француз ёзувчиси қаламига мансуб? **Бальзак Оноре де (1799-1850) қаламига мансуб.**

13. "Шажара" асари қайси ўзбек адиби, публицист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист (1998 й.), Ўзбекистон халқ ёзувчиси (2016 й.) қаламига мансуб? **Эркин Аъзам (Аъзамов Эркин Нормаматович) (1950 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

14. "Шажарайи тарокима" ("Туркманлар шажараси") - тарихий асари қайси адиб қаламига мансуб? Асар ўзбек тилида нечанчи йилда ёзилган? **Абулғозий Баҳодирхон. 1661 йилда ёзилган.**

15. "Шажарайи турк", "Шажараи турк ва мўғул" ("Туркий халқлар ва мўғуллар шажараси") - тарихий асари муаллифи қайси адиб? Асар қайси тилда ёзилган? **Абулғозий Баҳодирхон. Эски ўзбек тилида ёзилган. "Шажарайи турк" XIII-XVI асрлардаги мўғул ва турк ҳукмдорлари ҳақидаги маълумотларни, хусусан, Марказий Осиё хонлигининг муаллиф яшаган давригача бўлган тарихини ўз ичига олган. "Шажарайи турк" Абдулғозий Баҳодирхоннинг ўлими туфайли ниҳоясига етказилмай қолган бўлса-да, унинг ўғли Ануша Муҳаммадхон (1663-1687 йй.) топшириғига мувофиқ, урганчлик тарихи Маҳмуд ибн Мулла Муҳаммад Замон Урганжой томонидан баёзи маълумотлар билан тўлдирилган.**

16. "Шажараи Хоразмшоҳий" - тарихий-мемуар асари қайси ўзбек шоири, тарихчи, мусиқашунос хаттот ва таржимон қаламига мансуб? **Баёний (тахаллу-**

DENOV PEDAGOGIKA INSTITUTI ARM № 30657

си; асл исм-шарифи Мухаммад Юсуфбек Бобожонбек ўғли) (1858-1923 йй.) каламига мансуб.

17. "Шайбонийнома" - тарихий жанрнома достони (1506-1507 йй.) кайси муаллиф каламига мансуб? **Мухаммад Солих (1455 й., Хоразм - 1535 й., Бухоро) каламига мансуб. Достон 8880 мисра, 76 бобдан иборат.**

18. "Шайдо" (1917 й.) драмаси кайси Озарбайжон шоири, драматург каламига мансуб? **Жовид (тахаллуси; асл исм-шарифи Расизода) (1884 - 1944 йй.) каламига мансуб.**

19. "Шайдо кўнгиллар" (1976 й.) асари кайси ўзбек адиби каламига мансуб? **Шухрат (Алимов Ғулом Аминжонович) (1918-1993 йй.) каламига мансуб.**

20. "Шайтанат" романи (1-китоб, 1992 й.; 2-китоб, 1995 й.; 3-китоб, 1997 й.; 4-китоб, 2000 й., 5-2011) кайси ўзбек ёзувчиси, Ўзбекистон халк ёзувчиси (2000 й.) каламига мансуб? **Тохир Малик (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳобилов Тохир Абдумаликович) (1946 йилда туғилган) каламига мансуб.**

21. "Шайтанатнинг жин кўчалари" (2012 й.) романи кайси ўзбек ёзувчиси, Ўзбекистон халк ёзувчиси (2000 й.) каламига мансуб? **Тохир Малик (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳобилов Тохир Абдумаликович) (1946 йилда туғилган) каламига мансуб.**

22. "Шайтон арава" (1930 й.) асари муаллифи кайси рус шоири? **Бедний Демьян (тахаллуси, асл исм-шарифи – Ефим Алексеевич Придворов; 1883-1945 йй.).**

23. "Шайтон йиғи" романи кайси филиппинлик адиб каламига мансуб? **А. В. Эрнандес каламига мансуб.**

24. "Шайтон хузурига" (1863 й.) достони муаллифи кайси италиялик шоир, адабиётшунос, Нобель мукофоти совриндори (1906 й.)? **Кардуччи Жозуэ (1835-1907 йй.).**

25. "Шайтон билан кураш" ("Иудининг мурожати", 1916 й.; "Куюм", 1916 й.; "Харитас", 1919 й.) трилогиясининг муаллифи кайси поляк ёзувчиси? **Жеромский Стефан (1864-1925 йй.).**

26. "Шайтонга" (1865 й.) асари муаллифи кайси италиялик шоир, адабиётшунос, Нобель мукофоти совриндори (1906 й.)? **Кардуччи Жозуэ (1835-1907 йй.).**

27. "Шайтон касидаси" (1873 й.) шеърий тўплами кайси серб шоири каламига мансуб? **Змай (асл исм-шарифи Йованович) Йован (1833 - 1904 йй.) каламига мансуб.**

28. "Шайтоннинг истеъфономаси" (2008 й.) асари кайси ўзбек ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (2008 й.) каламига мансуб? **Носир Мухаммад (асли Насриддин Мухаммадиев, 1946 йилда туғилган) каламига мансуб.**

29. "Шайтоннинг тангрига исёни" (1924 й.) пьесаси кайси ўзбек шоир, драматург, публицист, адабиётшунос, тилшунос, тарихчи, файласуф, санъатшунос ва сиёсатшунос олим каламига мансуб? **Фитрат (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдурахим ўғли Абдурауф) (1886 -1938 йй.) каламига мансуб.**

30. "Шайтоннинг шогирди" (1897 й.) асари кайси инглиз ёзувчиси, драматург, Нобель мукофоти совриндори (1925 й.) каламига мансуб? **Шоу Жорж Бернард (1856 - 1950 йй.) каламига мансуб.**

31. "Шайтоннинг кули" асари муаллифи кайси чуваш шоири, чуваш адабиёти асосчиси? **Иванов Константин Васильевич (1890-1915 йй.).**

32. "Шайтоннинг йўли" (1994 й.) пьесаси муаллифи кайси ўзбек ёзувчиси, драматург, публицист, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (1990 й.)? **Иброҳимов Абдукаххор Абдусаматович (1939 йилда туғилган).**

33. "Шайтоннинг найранглари" романи кайси мек-

сикалик адиб каламига мансуб? **М. Пайно каламига мансуб.**

34. Шайх Кубро хакида "Шахидлар шохи" (1998 й.) тарихий-маърифий киссаси кайси Ўзбекистон халк шоири (1999 й.) каламига мансуб? **Хуршид Даврон (тахаллуси; асл исм-шарифи Давронов Хуршид) (1952 йилда туғилган) каламига мансуб.**

35. "Шайх Мусахон ад-Дахбидийнинг таржимаи холи" асари кайси ўзбек шоири ва ёзувчи каламига мансуб? **Хумулий, Жумакули ибн Сўфий Тагойи турк Ургутий Самаркандий (XIX аср) каламига мансуб.**

36. "Шайх Саъдий" асари муаллифи кайси озарбайжонлик шоир, адабий танкидчи? **Аббос Саххат Мехдизода (1874-1918 йй.).**

37. "Шайх Санъон" (1912-1914 йй.) драмаси кайси Озарбайжон шоири, драматург каламига мансуб? **Жовид (тахаллуси; асл исми Расизода) (1884-1944 йй.) каламига мансуб.**

38. "Шайх Жума ва бошка хикоялар" (1925 й.) номли илк новеллалар тўплами кайси араб (Миср) ёзувчиси, Араб тили академияси (Кохира)нинг хакикий аъзоси каламига мансуб? **Таймур Махмуд (1894 й., Кохира - 1973 й., Швейцария) каламига мансуб.**

39. "Шайх" радифли ғазали кайси ўзбек шоири каламига мансуб? **Мужрим Обид (тахаллуси; асл исми Мирак Хўжа ўғли XVIII аср) каламига мансуб.**

40. "Шакария достони" (1921 й.) асари муаллифи кайси турк адиби ва олим? **Бесим Аталай (1882-1965 йй.).**

41. "Шаклланиш" дастлабки асари кайси француз ёзувчиси, драматург, Нобель мукофоти совриндори (1937 й.) каламига мансуб? **Мартен дю Гар Роже (1881-1958 йй.) каламига мансуб.**

42. "Шакро Валишвили" (1906 й.) хикояси муал-

лифи кайси арман шоири, Арманистон ФА акад. (1943 й.)? **Исаакян Аветик Саакович (1875 - 1957 йй.).**

43. "Шалола" (1798 й.) асари муаллифи кайси рус шоири? **Державин Гаврила Рамонович (1743-1816 йй.).**

44. "Шалола" (1959 й.) шеърий тўплами муаллифи кайси ўзбек ёзувчиси? **Ғуломов Шотурсун (1928–1965 йй.).**

45. "Шалола" асари кайси ўзбек шоираси, журналист, таржимон, Ўзбекистон халк шоираси (1965 й.), Халкаро Неру (1968 й.), "Нилуфар" (1971 й.) мукофотлари хамда Хамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1970 й.) совриндори, Мехнат Кахрамони (1984 й.), шоир Хамид Олимжон рафикаси каламига мансуб? **Зулфия (тахаллуси; тўлик исм-шарифи Исроилова Зулфия) (1915-1996 йй.) каламига мансуб.**

46. "Шамо" (1931-1964 йй.) эпопеяси кайси Озарбайжон ёзувчиси каламига мансуб? **Рахимов Сулаймон Хусайн ўғли (1900 й.) каламига мансуб.**

47. "Шамол" (1957 й.) романи муаллифи кайси француз ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1985 й.)? **Симон Клод (1913 йилда туғилган).**

48. "Шамол ботир" (1966 й.) тўплами кайси ўзбек болалар шоири каламига мансуб? **Кудрат Хикмат (1925-1968 йй.) каламига мансуб.**

49. "Шамол ўйини" (1995 й.) кисса ва хикоялар мажмуаси кайси ёзувчи каламига мансуб? **Бўтаев Шойим (1959 йилда туғилган) каламига мансуб.**

50. "Шамол кайга шошади" (1974 й.) шеърий тўплами кайси ўзбек болалар шоири каламига мансуб? **Толиб Йўлдош (Йўлдошев Толиб, 1919 й.) каламига мансуб.**

51. "Шамол кўли" (1952 й.) шеърлар тўплами кайси Покистон шоири, "Нилуфар" мукофоти (1975 й.) совриндори каламига мансуб? **Файз Ахмад Фаиз (1911-1984 йй.) каламига мансуб.**

52. “Шамол қўшиғи” (2015 й.) шеърий тўплами қайси шоир қаламига мансуб? **Икром Искандар (1972 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

53. “Шамол шиддатли эди” романи қайси Кот-д’Ивуар ёзувчиси қаламига мансуб? **Ш. Нока қаламига мансуб.**

54. “Шамол эсаверади” (1966 й.) киссаси қайси Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1986 й.), Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1991 й.) қаламига мансуб? **Ҳошимов Ўткир (1941-2016 йй.) қаламига мансуб.**

55. “Шамолга қарши” (1978) асари муаллифи қайси Озарбайжон халқ шоири (1960 й.), Озарбайжонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944 й.), Меҳнат Қаҳрамони (1980 й.)? **Расул Рзо (тахаллуси: асл исм-шарифи Расул Иброҳим ўғли Рзаев) (1910-1981 йй.).**

56. “Шамолни тутиб бўлмайди” (2005 й.) асари қайси ўзбек ёзувчиси қаламига мансуб? **Назар Эшонқул (1962 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

57. “Шамолни ушлаган бола” (1985 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек адиби, Ўзбекистон халқ шоири (2000 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими қаламига мансуб? **Нарзуллаев Нормурод (1934-2006 йй.) қаламига мансуб.**

58. “Шамолни қаршилаб” (1958 й.) пьесаси қайси рус ёзувчиси қаламига мансуб? **Овечкин Валентин Владимирович (1904-1968 йй.) қаламига мансуб.**

59. “Шамолнинг кучайиши” (1928 й.) асари қайси араб ёзувчиси қаламига мансуб? **Мазиний ал-Мазиний, Иброҳим Абдул Қодир (1890 й., Қоҳира - 1947 й.) қаламига мансуб.**

60. “Шамоллар” (1946 й.) шеърий туркуми қайси француз шоири, Нобель мукофоти совриндори (1960 й.) қаламига мансуб? **Сен - Жон Перс (тахаллуси; асл исм-шарифи Алекси Леже) (1887-1975 йй.) қаламига мансуб.**

61. “Шамрух” (1958 й.) романи қайси араб (Миср) ёзувчиси, Араб тили академияси (Қоҳира)нинг ҳақиқий аъзоси қаламига мансуб? **Таймур Маҳмуд (1894 й., Қоҳира - 1973 й., Швейцария) қаламига мансуб.**

62. “Шамсулҳаёт” (1944 й.) публицистик асари қайси Ўзбекистон халқ шоири (1963 й.), Ўзбекистон ФА акад. (1943 й.), ҳикоянавис, драматург, таржимон қаламига мансуб? **Ғафур Ғулом (тахаллуси; асл исм-шарифи Ғуломов Ғафур) (1903-1966 йй.) қаламига мансуб.**

63. “Шамшир” (1943 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек шоири, драматург, таржимон қаламига мансуб? **Чустий (тахаллуси; асл исм-шарифи Хўжаев Набихон) (1904 - 1983 йй.) қаламига мансуб.**

64. “Шамшод” (1938 й.) пьесаси қайси туркман шоираси ва драматург, Туркманистонда хизмат кўрсатган шоираси (1939 й.) Туркманистон халқ шоираси (1974 й.) қаламига мансуб? **Эсенова Товшан (1915 й.) қаламига мансуб.**

65. “Шаршара” (2001 й., сайланма) шеърий тўплами қайси ўзбек ёзувчиси, шоир, драматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1991 й.), “Дўстлик” ордени совриндори қаламига мансуб? **Омон Мухтор (тахаллуси; асл исм-шарифи Мухторов Омон Сулаймонович) (1941-2013 йй.) қаламига мансуб.**

66. “Шмулик” (1905 й.) ҳикояси қайси яҳудий ёзувчиси қаламига мансуб? **Шолом - Алейхем (тахаллуси, асл исм-шарифи Шолом Нохумович Рабинович) (1859-1916 йй.) қаламига мансуб.**

67. Шмуэл Йозев Агнон (1888–1970 йй.) исроиллик ёзувчи, Нобель кўмитаси унинг қайси романини алоҳида таъкидлаган? **“Тўй чодири” романини.**

68. Шмуэл Йозев Агнон (1888–1970 йй.) исроиллик ёзувчи, Нобель кўмитаси унинг қайси романини

алохида таъкидлаган? **"Тунги мехмон" романини алохида таъкидлаган.**

69. Шмуэл Йозев Агнон (1888–1970 йй.) исроиллик ёзувчи, Нобель қўмитаси унинг қайси романи нечанчи йилда Нобель мукофоти берилган ва қайси немис шоираси шерик қилинган? **1966 йилда Нобель мукофоти берилган, немис шоираси Нелла Закс шерик қилинган.**

70. "Шандор Рожа" (1941-42 йй., тугалланмаган) романи муаллифи қайси венгер ёзувчиси? **Мориц Жигмонд (1879-1942 йй.).**

71. "Шапсудлар қизи" (1951 й.) қиссаси қайси адигейлик ёзувчи қаламига мансуб? **Керашев Тембот Магаметович (1902 й.) қаламига мансуб.**

72. "Шараф бўлсин болаларга, зайтунзорларга" (1956 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси Ирок шоири? **Абдулваҳҳоб Баётий (1926 йилда туғилган).**

73. "Шараф қўлёзмаси" (1950 й.) асари қайси Ўзбекистон халқ шоири (1963 й.), Ўзбекистон ФА акад. (1943 й.), хикоянавис, драматург, таржимон қаламига мансуб? **Ғафур Ғулом (тахаллуси; асл исм-шарифи Ғуломов Ғафур) (1903-1966 йй.) қаламига мансуб.**

74. Шарофиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарини форс тилидан ўзбек тилига ким таржима қилган? Таржима охирида ўзи ҳам неча байтдан зиёдроқ маснавий йўлида шу номда достон битган? **Мавлоно Лутфий (1366 - 1465 йй.). 10 минг байтдан зиёдроқ.**

75. "Шарқ" романи қайси хитойлик адиб қаламига мансуб? **Вэй Вэя қаламига мансуб.**

76. "Шарқ ва Ғарб" (1957 й.) шеърлар тўплами муаллифи қайси рус шоири, Меҳнат Қаҳрамони (1969 й.), Халқаро Ботеф мукофоти совриндори (1976 й.)? **Сурков Алексей Александрович (1899 й.).**

77. "Шарқ ва Ғарб" (1947 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси араб шоири? **Маҳмуд Тахо, Али (1902-1949 йй.).**

78. Шарқ ва Ғарб шоирлари асарларидан иборат "Қирқ ишқ дафтари" тўпламини қайси Ўзбекистон халқ шоири (1999 й.) нечанчи йилда ўзбек тилига таржима қилган? **Хуршид Даврон (тахаллуси; асл исм-шарифи Давронов Хуршид) (1952 йилда туғилган) 1989 йилда таржима қилган.**

79. Шарқ адабиётларида қайси Озарбайжон ёзувчисини "Шарқ Мольера", "Озарбайжон генийси" деб аташган? **Охундов Мирза Фатали (1812 - 1878 йй.) ни аташган.**

80. "Шарқ ёшларига" асари қайси ўзбек шоири, драматург, публицист, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1969 й.) Ўзбекистон ФА акад. (1968 й.), Меҳнат Қаҳрамони (1974 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1939 й.) Ҳ. Носированинг турмуш ўртоғи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси (1958-1980 йй.) қаламига мансуб? **Яшин, Комил Яшин (тахаллуси; асл исм-шарифи Нуъмонов Комил) (1909-1997 йй.) қаламига мансуб.**

81. "Шарқ йўловчисига" (1959 й.) асари қайси қорақалпоқ шоири ва драматург, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири (1975 й.), Ўзбекистон Қаҳрамони (2004 й.) қаламига мансуб? **Юсупов Ибраим (1929 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

82. "Шарқ гавҳари" (2007 й., сайланма) асари қайси ўзбек шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, "Олтин қалам" Халқаро мукофоти соҳиби қаламига мансуб? **Тошпўлат Ахмад (1942 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

83. "Шарқ достони" (1968 й.) шеърий тўплами қайси болгар шоири қаламига мансуб? **Милев Йордан (1933 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

84. "Шарқ камалаги" (1974 й.) асари муаллифи қайси Ўзбекистон халқ шоири (1997 й.), Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1994 й.)? **Бойқобилов Барот Тиллаевич (1937 - 2006 йй.).**

85. "Шарқ марвариди" асари муаллифи қайси ўзбек шоири? **Шукур Қурбон (1951 йилда туғилган).**

86. "Шарқ мотивлари" (1829 й.) асари муаллифи қайси француз адиби, романтизмнинг йирик намоёндаси қаламига мансуб? **Гюго Виктор Мари (1802-1885 йй.) қаламига мансуб.**

87. "Шарқ сиёсати" (1919 й.) асари муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос ва сиёсатшунос олим? **Фитрат (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдурахим ўғли Абдурауф) (1886-1938 йй.).**

88. "Шарқ тили" (1988 й.) қайси ўзбек шоирининг шеърий тўплами? **Мирзо Кенжабек (1956 йилда туғилган)нинг шеърий тўплами.**

89. "Шарқ тонги" (1948 й.) пьесаси қайси Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1975 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1950 й.) қаламига мансуб? **Сафаров Назир (1905 -1985 йй.) қаламига мансуб.**

90. "Шарқ тумори" (1996 й.) асари қайси ўзбек шоири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, "Олтин қалам" Халқаро мукофоти соҳиби қаламига мансуб? **Тошпўлат Ахмад (1942 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

91. "Шарқ хотин-қизларига" (1951 й.) тўплами қайси туркман шоираси ва драматург, Туркманистонда хизмат кўрсатган шоираси (1939 й.) Туркманистон халқ шоираси (1974 й.) қаламига мансуб? **Эсенова Товшан (1915 й.) қаламига мансуб.**

92. "Шарқ ҳаёти ва урф одатлари очерклари" (1867 й.) асари қайси венгер ёзувчиси, Венгрия ФА мухбир аъзоси (1861 й.) қаламига мансуб? **Вамбери Арминий (Герман) (1832-1913 йй.) қаламига мансуб.**

93. "Шарқда шахмат" асари муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос ва сиёсатшунос олим? **Фитрат (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдурахим ўғли Абдурауф) (1886-1938 йй.).**

94. "Шарқдан бораётирмиз" асари (Давлат мукофоти, 1946 й.) қайси Ўзбекистон халқ шоири (1963 й.), Ўзбекистон ФА акад. (1943 й.), хикоянавис, драматург, таржимон қаламига мансуб? **Ғафур Ғулом (тахаллуси; асл исм-шарифи Ғуломов Ғафур) (1903-1966 йй.) қаламига мансуб.**

95. "Шарқдан Ғарбга кетаётган дўстга" асари қайси ўзбек шоири, публицист, адабиётшунос, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1943 й.) қаламига мансуб? **Ҳамид Олимжон (Олимжонов Ҳамид) (1909-1944 йй.) қаламига мансуб.**

96. "Шарқдан чиққан қуёш" (1945 й.) романи қайси румин ёзувчиси, Руминия ФА акад. (1921 й.), Меҳнат Қаҳрамони (1955 й.), Жаҳон Тинчлик кенгаши аъзоси (1950 й.), Халқаро Тинчлик мукофоти (1950 й.) қаламига мансуб? **Садовяну Михаил (1880-1961 йй.) қаламига мансуб.**

97. "Шарқий Европада уруш" (1916 й.) асари қайси америкалик ёзувчи, публицист қаламига мансуб? **Рид Жон (1887-1920 йй.) қаламига мансуб.**

98. "Шарқий шамол фош этади" романи қайси кабо-верделик адиб қаламига мансуб? **М. Лопиш қаламига мансуб.**

99. "Шарқий қирғоқ" (1981 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси Ўзбекистон халқ шоири (1987 й.), Ўзбекистон Қаҳрамони (1999 й.)? **Вохидов Эркин (1936 -2016 йй.).**

100. "Шарқни шарафлаб" (1973 й.) публицистик асари қайси адабиётшунос олим, файласуф, публицист, Ўзбекистон ФА акад. (1966 й.), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964 й.), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1973 й.) қаламига мансуб? **Зоҳидов Вохид Йўлдошевич (1914-1983 йй.) қаламига мансуб.**

101. "Шарқнинг Вольтери" деб қайси форс шоирини улуғлашган? **Ҳофиз, Хожа Ҳофиз Шерозий (тахаллуслари; асл исм-шарифи Шамсуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад) (1326-Шероз - 1389 йй.) ни улуғлашган.**

102. "Шарх ул-калб" достони қайси мутасаввиф шоир қаламига мансуб? **Фаридиддин Аттор (тахаллуси; асл исм-шарифи Муҳаммад Абу Бакр ибн Иброҳим) (тахм. 1148/51 й. - Нишопур - 1219/21 й.) қаламига мансуб.**

103. "Шархловчининг хотиралари" (1929 й.) шеърий тўплами қайси Латвия халқ ёзувчиси (1976 й.), Латвия ФА акад. (1978 й.) қаламига мансуб? **Григулис Арвид Петрович (1906-1989 йй.) қаламига мансуб.**

104. "Шархловчилар" (1965 й.) романи қайси нигериялик драматург, ёзувчи, Нобель мукофоти совриндори (1986 й.) қаламига мансуб? **Шойинка, Сойинка Воле (1934 й.) қаламига мансуб.**

105. "Шармандалик доғи" (1876 й.) драмаси муаллифи қайси Австрия драматурги? **Л. Анценгрубер.**

106. "Шарора" (1983 й.) асари муаллифи қайси Ўзбекистон халқ шоири (1997 й.), Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1994 й.)? **Бойқобилов Барот Тиллаевич (1937 - 2006 йй.).**

107. "Шарофатли вақтлар" асари қайси қозоқ шоири қаламига мансуб? **Сулаймонов Ўлжас Умарович (1936-2005 йй.) қаламига мансуб.**

108. "Шарпа" (1859 й.) поэмаси қайси грузин ёзувчиси қаламига мансуб? **Чавчавадзе Илья Григорьевич (1837-1907 йй.) қаламига мансуб.**

109. "Шарпалар" (1946 й.) драмаси қайси Абхазия халқ шоири (1937 й.), янги абхаз адабиётининг асосчиси қаламига мансуб? **Гулиа Дмитрий Иосифович (1874-1960 йй.) қаламига мансуб.**

110. "Шарпалар" (1947 й.) ҳикоялар тўплами

қайси араб (Миср) ёзувчиси, Жолио-Кюри номидаги Тинчлик медали (1960 й.) ҳамда Халқаро "Нилуфар" мукофоти (1974 й.) совриндори қаламига мансуб? **Юсуф ас-Сибоий (1917 - 1978 йй.) қаламига мансуб.**

111. "Шарпалар" (1881 й.) драмаси муаллифи қайси норвег драматурги? **Ибсен Генрик (1828-1906 йй.).**

112. "Шарпа ва кема" (1929 й.) илк шеърий тўплами муаллифи қайси Швеция шоири, Нобель мукофоти совриндори (1974 й.)? **Мартинсон Харри (1904-1978 йй.).**

113. "Шафақ" (1968 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек шоири, таржимон, олим, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1992 й.) қаламига мансуб? **Муҳаммад Али (тахаллуси; асли исм-шарифи Ахмедов Муҳаммад Али), (1942 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

114. "Шафақ" (1940 й.) пьесаси қайси марилик драматург қаламига мансуб? **Николаев Сергей Николаевич (1908 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

115. "Шафақ ибодати" (2011 й.) шеърий тўплами қайси ўзбек шоираси қаламига мансуб? **Ахмедова Ҳалима (1960 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

116. "Шафақ ўчай деб қолди" (1932 й.) асари қайси ўзбек адиби қаламига мансуб? **Усмон Носир (1912-1944 йй.) қаламига мансуб.**

117. "Шафақлар" (1898 й.) пьесаси қайси бельгиялик шоир, драматург, танқидчи қаламига мансуб? **Верхарн Эмиль (1855-1916 йй.) қаламига мансуб.**

118. "Шафтоли гули" (2011 й.) асари қайси ўзбек ёзувчиси қаламига мансуб? **Назар Эшонқул (1962 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

119. "Шафқат" (1971 й.) достони қайси ўзбек шоири, драматург қаламига мансуб? **Ёнғин Мирзо (Мирзаев Худайберган; 1917 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

120. "Шафкат килинг" (1928 й.) романи муаллиф кайси турк ёзувчиси, драматург, таржимон? **Гунтекин Рашод Нури (1892-1956 йй.).**

121. "Шафкат хамшираси" (1948 й.) хикояси кайси уйгур ёзувчиси, драматург, янги давр уйгур адабиёти асосчиси каламига мансуб? **Зунун Қодирий (1912-1989 йй.) каламига мансуб.**

122. "Шафкатсизлик" киссаси кайси рус ёзувчиси каламига мансуб? **П. Ф. Нилин каламига мансуб.**

123. "Шахмат абадийдир" асари муаллифи кайси ўзбек ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (2016 й.)? **Шодмон Отабек (1946 йилда туғилган).**

124. "Шахмат новелласи" (1941 й.) тўплами кайси Австрия ёзувчиси каламига мансуб? **Цвейг Стефан (1881-1942 йй.) каламига мансуб.**

125. "Шахс сирлари" (1915 й.) достони кайси хинд шоири, файласуф каламига мансуб? **Иқбол Муҳаммад (1873 ёки 1877-1938 йй.) каламига мансуб.**

126. "Шахс сирларининг очилиши" (1919 й.) достони кайси хинд шоири, файласуф каламига мансуб? **Иқбол Мухаммад (1873 ёки 1877-1938 йй.) каламига мансуб.**

127. "Шахсий котиб" (1954 й.) асари кайси инглиз-америкалик шоир ва адабий танкидчи, Нобель мукофоти совриндори (1948 й.) каламига мансуб? **Элиот Томас Стернз (1888-1965 йй.) каламига мансуб.**

128. "Шахсий котиба" (1973 й.) комедияси кайси бенинлик адиб каламига мансуб? **Ж. Плий каламига мансуб.**

129. "Шахсий мажбуриятлар" (1972 й.) эссе китоби кайси поляк ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори (1980 й.) каламига мансуб? **Милош Чеслав (1911 йилда туғилган) каламига мансуб.**

130. "Шахсий тажриба" (1964 й.) романи кайси

япониялик адиб, Нобель мукофоти совриндори (1994 й.) каламига мансуб? **Оэ Кензабуро (1935 йилда туғилган) каламига мансуб.**

131. "Шахсий хаёт, дегин" (1978 й.) асари кайси рус ёзувчиси ва жамоат арбоби, Мехнат Қахрамони (1974 й.) каламига мансуб? **Симонов Константин (Кирилл) Михайлович (1915-1979 йй.) каламига мансуб.**

132. "Шахтадаги фалокат" (1908 й.) ҳажвий асари кайси чех ҳажвчи ёзувчиси каламига мансуб? **Гашек Ярослав (1883-1923 йй.) каламига мансуб.**

133. "Шахтер балладаси" (1938 й.) асари муаллифи кайси чех адибаси? **Майерова Мария (1882-1967 йй.).**

134. "Шашмақом" (1983 й.) кайси ўзбек шоири, ёзувчи каламига мансуб? **Комил Аваз (1942 йилда туғилган) каламига мансуб.**

135. "Шаҳватпараст одам" (1963 й.) асари кайси япониялик адиб, Нобель мукофоти совриндори (1994 й.) каламига мансуб? **Оэ Кензабуро (1935 йилда туғилган) каламига мансуб.**

136. "Шаҳар" (1957 й.) асари муаллифи кайси америкалик ёзувчи, Нобель мукофоти совриндори (1949 й.)? **Фолкнер Уильям (1897-1962 йй.).**

137. "Шаҳар" (1928 й.) шеърий тўплами муаллифи кайси испан ёзувчиси? **Сесар Мунъос Арконада.**

138. "Шаҳар" (1904-1908 йй.) туркум шеърлари кайси рус шоири каламига мансуб? **Блок Александр Александрович (1880-1921 йй.) каламига мансуб.**

139. "Шаҳар одамлари" (1954 й.) романи муаллифи кайси Нигерия ёзувчиси? **С. Эквенси.**

140. "Шаҳар ва орзу" фильми кайси хинд ёзувчиси, кинодраматург каламига мансуб? **Хўжа Ахмад Аббос (1914-1987 йй.) каламига мансуб.**

141. "Шаҳар тегирмон" (1986 й.) киссаси кайси ўзбек адиби каламига мансуб? **Дадахон Нурий (1943 йилда туғилган) каламига мансуб.**

142. "Шаҳар ўт ичида" (1934 й.) асари муаллифи қайси ўзбек ёзувчиси, драматург? **Акрамов Исмоил Акрамович.**

143. "Шаҳардаги олма дарахти" (1979 й.) шеърлар тўплами қайси Ўзбекистон халқ шоири (1999 й.) қаламига мансуб? **Хуршид Даврон (тахаллуси; асл исм-шарифи Давронов Хуршид) (1952 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

144. "Шаҳар дайдилари" (1936 й.) асари қайси инглиз адиби қаламига мансуб? **Пристли Жон Бойнтон (1894 й.) қаламига мансуб.**

145. "Шаҳарлар онаси" асари қайси араб адиби, маърифатпарвар қаламига мансуб? **Кавокибий, ал-Кавокибий, Абдурахмон (1849-1903 йй.) қаламига мансуб.**

146. "Шаҳарлар ва йиллар" (1924 йил) романи қайси рус ёзувчиси, собиқ Иттифоқ ФА акад. (1958 й.), Меҳнат Қаҳрамони (1967 й.) қаламига мансуб? **Федин Константин Александрович (1892-1977 йй.) қаламига мансуб.**

147. "Шаҳарларга ва жаҳонга" (1903 й.) тўплами қайси рус ёзувчиси, драматург қаламига мансуб? **Брюсов Валерий Яковлевич (1873-1924 йй.) қаламига мансуб.**

148. "Шаҳарлик келинчак" (1973 й.) асари қайси ўзбек ёзувчиси, шоир, драматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1991), "Дўстлик" ордени совриндори қаламига мансуб? **Омон Мухтор (тахаллуси; асл исм-шарифи Мухторов Омон Сулаймонович) (1941-2013 йй.) қаламига мансуб.**

149. "Шаҳрибону" достони қайси Ўзбекистон халқ шоири (1992 й.) қаламига мансуб? **Жамол Камол (1938 йилда туғилган) қаламига мансуб.**

150. "Шаҳримиз болалари" (1970 й.) шеърий тўплами муаллифи қайси ўзбек шоири? **Назармат (Назармат Эгамназаров, 1917-2009 йй.).**

151. "Шаҳримиздан чиққан йигит" (1941 й.) пьесаси қайси рус ёзувчиси ва жамоат арбоби, Меҳнат Қаҳрамони (1974 й.) қаламига мансуб? **Симонов Константин (Кирилл) Михайлович (1915-1979 йй.) қаламига мансуб.**

152. "Шаҳризода" (1934 й.) асари қайси араб ёзувчиси, адабиёт соҳасида Миср Давлат мукофоти совриндори (1974 й.) қаламига мансуб? **Тавфиқ ал -Ҳаким (Ал-Ҳаким Тавфиқ, 1898-1983 йй.) қаламига мансуб.**

153. "Шаҳзод" саҳна асари муаллифи қайси ўзбек адиби? **Фарид Усмон (1946 йилда туғилган).**

154. "Шаҳзода Хаген" (1903 й.) пьесаси муаллифи қайси Америка ёзувчиси? **Синклер Эптон Бил (1878-1968 йй.).**

155. "Шаҳзода Ҳасан" лиро-эпик асари муаллифи қайси ўзбек шоираси? **Увайсий (тахаллуси, исми Жаҳон, 1779-1845 йй.).**

156. "Шаҳзода ва гадо" (1882 й.) асари қайси америкалик ёзувчи қаламига мансуб? **Твен Марк (тахаллуси; асл исм-шарифи Сэмюэл Ленгхорн Клеменс) (1835-1910 йй.) қаламига мансуб.**

157. "Шаҳзоданинг дўстлашуви" поэмаси қайси француз шоири, Нобель мукофоти совриндори (1960 й.) қаламига мансуб? **Сен - Жон Перс (тахаллуси; асл исм-шарифи Алекси Леже) (1887-1975 йй.) қаламига мансуб.**

158. "Шаҳло" (1968 й.) достони қайси ўзбек шоири, драматург, кино сценарист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1962 й.) қаламига мансуб? **Туроб Тўла (тахаллуси; фамилияси Тўлахўжаев, 1918-1990 йй.) қаламига мансуб.**

159. "Шаҳриноз" (1926 й.) қайси Эрон адиби қаламига мансуб? **Яҳё Давлатободий қаламига мансуб.**

160. "Шаҳринисо" (1936 й.) асари қайси ўзбек

адиби қаламига мансуб? **Усмон Носир (1912-194[illegible] йй.) қаламига мансуб.**

161. "Швед нутки" (1958 й.) хикоялар тўплами қайси француз ёзувчиси, драматург, эссечи, Нобель мукофоти совриндори (1957 й.)нинг қаламига мансуб? **Камю Альбер (1913-1960 йй.) қаламига мансуб.**

162. "Шведлар ва уларнинг дохийлари" (1908-1910 йй., 2 жилдли) достони қайси швед шоири ва ёзувчи, Швеция ФА акад. (1912 й.), Нобель мукофоти совриндори (1916 й.) қаламига мансуб? **Хейденстам Карл Густав Вернер фон (1859-1940 йй.) қаламига мансуб.**

163. "Швейцарияда" (1839 й.) поэтик асари қайси поляк шоири қаламига мансуб? **Словацкий Юлиуш (1809-1849 йй.) қаламига мансуб.**

164. Швеция романнависи, шоир ва драматург Пьер Фабиан Лагерквист (1891–1974 йй.)нинг қайси романи Нобель мукофоти (1951 й.)га сазовор бўлган? **"Варавва" (1950 й.).**

